

ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ОБ УТВЕРЖДЕНИИ ПОЛОЖЕНИЯ О ПОРЯДКЕ ФИНАНСИРОВАНИЯ  
ВЫРАЩИВАНИЯ СЕМЕННОГО ХЛОПКА-СЫРЦА НА ПЛОЩАДЯХ,  
ПРЕДОСТАВЛЕННЫХ ОРГАНИЗАТОРАМ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНЫХ  
ПРОИЗВОДСТВ И КЛАСТЕРОВ В РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ

г. Ташкент,

2 января 2019 г.,

№ 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ

**РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ПАХТА-ТҮҚИМАЧИЛИК ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШЛАРИ ВА КЛАСТЕРЛАРИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИГА БЕРИЛГАН  
МАЙДОНЛАРДА УРУҒЛИК ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ ЕТИШТИРИШНИ  
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА**

Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига ажратилган пахта майдонларида сифатли уруғлик пахта хом ашёси етиштириш ва молиялаштиришни тартибга солиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёсини етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимликлари республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштириш ишлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов, Инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов ва «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмаси раиси И.У. Хайдаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 2 январь,

2-сон  
Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 2 январдаги 2-сон карорига  
**ИЛОВА**

**Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари, тижорат банклари кредитлари ва ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари — пахта хом ашёсини етиштириш фаолияти Ҳукумат қарорлари билан белгиланган хўжалик субъектлари ва уруғчилик кластерлари;

уруглик пахта хом ашёси — келгуси йил пахта ҳосили учун уруғлик чигит экиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларида етиштириладиган уруғлик пахта хом ашёси;

уругчилик хўжаликлари — уруғлик пахта хом ашёси етиштириш хуқуқига эга бўлган хўжаликлари;

устама маблағ — уруғлик пахта хом ашёси етиштиришда иштирок этувчи ташкилотларни рағбатлантириш мақсадида уруғчилик хўжаликлари, илмий муассасалар, нав муаллифлари ва уруғчиликка бевосита алоқадор бўлган субъектларга ажратиладиган маблағ.

4. Етиштирилган уруғлик чигит ва пахта хом ашёси тақсимоти, ўз эҳтиёжи учун фойдаланиш ёки сотиш масалалари пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**2-боб. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш тартиби**

5. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари билан биргаликда республикада охирги 3 йилда уруғлик чигитнинг амалдаги сарфидан ҳамда келгуси йил учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг таклифларига асосан пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмларидан келиб чиқиб, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларида етиштириладиган уруғлик пахта хом ашёси миқдори ва навларини

аниқлайдилар ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар йили 1 октябргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этадилар.

7. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларида уруғлик пахта хом ашёси экиладиган майдон ҳажми, пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўза навлари бўйича жойлаштириш масалалари ҳар йил 1 ноябрга қадар Хукуматнинг қарорида белгиланади.

8. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш уруғлик пахта қийматининг 60 фоизигача Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

9. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари кредит олиш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ариза билан мурожаат қиласиди.

Аризада кредит олиш учун тайёрланган бизнес-режа илова қилинади.

10. Жамғарма билан тузилган Бош битимга мувофиқ тижорат банки пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларини ойма-ой кесимида молиялаштириш учун ресурслар ажратиш бўйича Жамғармага ариза беради.

11. Жамғарма томонидан ҳар ойнинг 5-кунигача тижорат банкига кредит ресурслари ажратилади.

12. Тижорат банки томонидан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларини молиялаштириш учун кредит ресурслари ажратилади.

13. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига:

барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда молиялаштириш, шу жумладан, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий ва биологик воситалари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, бошқа ресурслар ва хизматларни харид қилиш ва жойига етказиб бериш;

тузилган шартномаларга мувофиқ уруғчилик фермер хўжаликларининг меҳнат ҳақини ойма-ой тўлаб бериш ва уруғлик пахта ҳосили учун тўлиқ ўзаро ҳисоб-китобларни йил якунигача амалга ошириш;

уруғчилик фермер хўжаликларига берилган моддий-техника ресурслари ва хизматларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш;

замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ҳосилдорлик ва уруғлик пахта хом ашёси сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги ходимларини рағбатлантириш учун қўшимча молиявий ресурслар ажратиш юзасидан тўлиқ масъулият юқлатилади.

### **3-боб. Тайёрланган уруғлик пахта хом ашёсига устамалар тўлаш тартиби**

14. Уруғлик пахта хом ашёсига қонун хужжатларига асосан етиштирилган уруғлик пахта хом ашёсидан тайёрланган уруғлик чигит Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти (O'zDSt-663-2017 «Уруғлик чигит. Техникавий шартлар») талабларига мос бўлганда, пахта хом ашёси қийматига нисбатан супер элита ва элита уруғлик чигит учун 100 фоиз, I авлод (R1) учун 75 фоиз, II авлод (R2) учун 50 фоиз ва III авлод (R3) учун 25 фоиз миқдорида устамалар ҳисобланади.

15. Устамалар харажати тайёрланган уруғлик чигит нархига киритилади.

16. Устамалар етиштирилган уруғлик пахта хом ашёси миқдорига ҳисобланади ва қуйидаги тартибда икки босқичда ҳисоб-китоб амалга оширилади:

а) пахта-тўқимачилик кластерларида:

биринчи босқичда — уруғлик пахта хом ашёси етказиб берувчи томонидан етиштирилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисобланган устаманинг 50 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ихтиёрида қолдирилади;

иккинчи босқичда — уруғлик чигит экилгандан (сотилгандан) кейин устаманинг қолган қисми 100 фоиз деб ҳисобланиб, шундан 50 фоизи пахта-тўқимачилик кластерлари ихтиёрида қолдирилади, қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонасининг ҳисобварагига ўтказилади ва қўйидагича тақсимланади:

«Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонасига ва унинг вилоят ҳудудий бошқармаларига ҳамда элита уруғчилиги лабораторияларига — 20 фоиз;

нав оригинаторлари, институтлар, селекционер ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга — 30 фоиз.

б) пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларида:

биринчи босқичда — топширилган уруғлик пахта хом ашёси учун ҳисобланган устаманинг 50 фоизи микдорида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари таркибига киравчи уруғчилик хўжаликлари пахта хом ашёсини топширган вақтда;

иккинчи босқичда — уруғлик чигит экилгандан (сотилгандан) кейин устаманинг қолган 50 фоиз қисми 100 фоиз деб ҳисобланиб, шундан 10 фоизи пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ихтиёрида қолдирилади, 40 фоизи уларнинг таркибига киравчи уруғчилик фермер хўжаликлари ихтиёрида қолдирилади;

қолган 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонасининг ҳисобварагига ўтказилади ва қўйидагича тақсимланади:

«Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонасига ва унинг вилоят ҳудудий бошқармаларига ҳамда элита уруғчилиги лабораторияларига — 20 фоиз;

нав оригинаторлари, институтлар, селекционер ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга — 30 фоиз.

17. Ўтказиладиган маблағнинг нав оригинаторлари, институтлар, селекционер олимларга тегишли қисми тақсимотида уларнинг тайёрланган пахта уруғлигидаги улуши эътиборга олинади.

18. Нав оригинаторлари, институтлар, селекционер олимлар ва уруғчиликда иштирок этувчи бошқа субъектларга устама маблағлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган йиллик харажатлар сметасига ҳамда тегишли ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Уруғчиликни ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонасининг маҳсус ҳисобварагидан ўтказиб берилади.

19. Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари ўз эҳтиёжлари учун фўзанинг хорижий нав ва дурагай уруғларини белгиланган тартибда олиб келиши ва етиштириши мумкин.

#### **4-боб. Якунловчи қоида**

20. Ушбу Низом талблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган

майдонларда уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш тартиби

тўғрисидаги низомга

ИЛОВА

**Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларига берилган майдонларда  
уруглик пахта хом ашёсини етиштиришни молиялаштириш**

## СХЕМАСИ

**Босқичлар**

**Тадбирлар**

**Масъуллар**

**Муддатлар**

### **Уруғлик пахта хом ашёсини етиштириш ҳажмини аниқлаш**

1-босқич	<p>Келгуси йил ҳосили учун пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларида етиштириладиган уруғлик пахта хом ашёси миқдорини аниқлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари</p>	1 октябргача
2-босқич	<p>Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларида уруғлик пахта хом ашёси экиладиган майдон ҳажми, пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва ғўзани навлар бўйича жойлаштириш масалаларини Ҳукумат қарорида белгилаш.</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси</p>	1 ноябргача

### **Уруғлик пахта хом ашёси етиштиришни молиялаштириш**

3-босқич	Уруғлик пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан пахтатўқимачилик ишлаб чиқаришлари ўртасида уруғлик пахта хом ашёси етиштириши бўйича контрактация шартномаларини тузиш	Уруғчилик фермер хўжаликлари, пахтатўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчилари	1 январгача
4-босқич	Пахтатўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари кредит олиш учун хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ариза бериш	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари	10 январгача
5-босқич	Жамғарма билан тузилган Бош битимга асосан тижорат банки пахтатўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларини ойма-ой кесимида молиялаштириш учун ресурслар ажратиш бўйича Жамғармага ариза бериш	Тижорат банклари	20 январгача

6-босқич	Жамғарма томонидан тижорат банкига кредит ресурслари ажратиш	Жамғарма	хар ойнинг 5-кунигача
7-босқич	Тижорат банки томонидан пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерларини молиялаштириш учун ресурслар ажратиш	Тижорат банклари	Агротехник тадбирларга асосан оймай

#### **Тайёрланган уруғлик пахта учун устама ажратиш**

8-босқич	Етиштирилган уруғлик пахта учун биринчи босқичда 50 фоиз устама маблағларни ажратиш	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари	Уруғлик пахта топширилган вақтда
9-босқич	Етиштирилган уруғлик пахтадан тайёрланган ва келгуси йилда экилган уруғлик чигит учун иккинчи босқичда қолган 50 фоиз устама маблағларни ажратиш	Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариши ва кластерлари, Жамғарма	Келгуси йил ҳосили учун уруғлик чигит экилгандан (сотилгандан) кейин
10-босқич	Иккинчи босқичда ажратилган устама	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги	Келгуси йил ҳосили учун уруғлик чигит

маблағларни тақсимлаш	вазирлиги, Фанлар академияси, «Үзтүкимачиликсаноат» уюшмаси	экилгандан (сотилгандан) кеин
--------------------------	--	-------------------------------------

*(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.01.2019 й., 09/19/2/2413-сон)*